
ФАРҒОНАДА “БЕШ ТАШАББУС” ОЛИМПИАДАСИ ИККИНЧИ МАВСУМИ ШАҲАР БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида “Беш ташаббус” олимпиадаси иккинчи мавсуми шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари иштирок этдилар.

“Беш ташаббус” олимпиадаси иккинчи мавсуми шаҳар босқичи ғолиби ва совриндорлари бўлган 190 нафар ёшлар диплом ва совғалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, Фарғона шаҳрида яшовчи 150 нафар ёшга олий таълим муассасаларида таълим олиш бўйича тўлов-контракт учун, 50 нафар ёшга сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тўлови учун, 178 нафар йигит-қизга замонавий “Келажак касблари”га ўқитиш учун субсидия ажратилган сертификатлар ҳам топширилди.

Тадбир таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар билан давом этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-29 21:46:43